

# ИЛМНИ ЕТКАЗИШ ВОЖИБЛИГИ В УНИ ТАРҚАТИШНИНГ ФАЗЛИ ҲАҚИДА

05:00 / 02.03.2017 5243

Аллоҳ таоло: «**Аллоҳ китоб берилганлардан уни одамларга баён қилурсиз, беркитмасиз, деб мийсоқ олганини эсла**», деган.

Шарҳ: Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, одамлардан Аллоҳ таоло қадимда, бошқа илоҳий китоблар аҳлидан ҳам Аллоҳнинг китобида нима бўлса кишиларга етказиш, ундаги бор нарсаларни беркитмаслик ҳақида аҳду паймон олганини баён қилиб беришни амр қилмоқда.

Демак, илм аҳли ўзидаги илмни бошқа одамларга етказиш, беркитмаслиги зарур экан.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ҳозир бўлган ғойибга етказсин. Шояд ҳозир бўлувчи уни ўзидан кўра кўпроқ англовчига етказса**»-дедилар. Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. Аввал у киши билан танишиб олайлик:

Абу Бакра кунyasi билан машҳур бўлган бу саҳобанинг исмлари, Нуфайъ ибн Ҳорис ас-Сақафий. Бу киши Тоифда, мусулмонлар қўлига асирга тушадилар. Исломга кирганларидан кейин, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини озод қилиб, «Абу Бакра» кунyasi билан чақирдилар.

Абу Бакра розияллоҳу анҳу улуғ саҳобалардан бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан 132та ривоят қилдилар. Бу зот Тоифдан Басрага кўчиб ўтиб, ана шу ерда истиқомат қилдилар.

Имрон ибн Хусойн «Абу Бакрадан кўра фазилатли кишини кўрмадим» деб айтдилар.

Бу зот ҳижратнинг 52 санасида Басрада вафот этдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз илмий мажлисларида ўтирган кишиларга «ҳозир бўлганлар ғойибларга етказсин», демоқдалар.

Яъни, илмий мажлисда ҳозир бўлганлар унда эшитган нарсаларни келажакларга етказсин, деб амр қилмоқдалар. Шу билан бирга ҳадиснинг давомида ушбу етказишнинг ҳикматларидан бирини ҳам баён қилиб:

«Шояд ҳозир бўлувчи уни ўзидан кўра кўпроқ англовчига етказса»,

дедилар.

Яъни, шояд илмий суҳбатда ҳозир бўлган одам илмни ўзидан кўра яхшироқ фойда олдиған кишига етказса, дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифдаги амрлари саҳобалар учун қонун бўлган. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида бўлиб, эшитган ҳадисларини суҳбатда ҳозир бўлмаган ғойибларга етказиш учун бор имкониятларини ишга солганлар. Улар ўз ҳабиблари-Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўзни омонат билан бошқаларга ўз вақтида етказиб ўз зиммаларидаги бурчни шараф билан адо этганлар. Саҳобаларнинг бу ҳислатлари уларнинг шогирдлари тобеинларга ҳам ўтган. Улар ҳам ўз устозлари-саҳобаи киромлардан эшитган сўзларни, олган илмларни бошқаларга етказишда бор имкониятларни ишга солганлаар.

Шундай қилиб, бутун бошли Ислом уммати бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиб келган. Илм ўргатиш ва илм ўрганиш мусулмонларнинг бошқалардан ажратиб турадиган асосий фазилатларидан бири бўлган. Ҳар бир мусулмон ўзи билган нарсани бировга ўргатишни муқаддас бурч, деб билган.

Шу тариқа, Ислом оламида ўз-ўзидан илм тарқалган. Аммо, вақт ўтиши билан бу руҳ йўқолди. Кишиларда масъулият ҳисси камайди. Илмга уриниш озайди. Сўнгра ҳолатни эътиборга олиб, авваллари илм ўргатгани учун ҳақ олиб бўлмайди, деган уламолар, илм зое бўлмаслиги учун кишиларга илм ўргатувчи устозлар ҳақ олса бўлади, деб фатво бердилар.

Бизнинг вақтимизга келиб, Исломий руҳнинг ўта зифлашганидан устозлару, шогирдлар ҳақ оладиган бўлса ҳам илмга уринадиганларни топиш қайин бўлиб қолди. Оқибат нима бўлганини ва бўлаётганини кўриб турибмиз.

Агар биз аждодларимиз каби дунёнинг илғор ва етакчи халқи бўлишни хоҳласак, динимиз асосида илмга бўлган муносабатларимизни мусулмонча қилишимиз керак. Ҳар бир шахс талаби илмни ўзи учун фарз, деб билиши керак. Ҳар бир билимли киши ўзидаги илмни ўзларига ўргатишни ўзининг бурчи, деб билмоғи лозим. Айниқса диний саводсизликни битириш учун шу ишни қилиш жуда зарур.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мендан бир оят бўлса ҳам етказинглар. Бани Исроил ҳақида гапиринглар, танглик йўқ. Ким менга қасддан ёлғон тўқиса дўзахдаги ўриндиғига**

**жойлашаверсин», дедилар».** Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийлари Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу билан танишмиз.

Ушбу ҳадиси шарифдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учта муҳим масалани баён қилмоқдалар.

1.«Мендан бир оят бўлса ҳам етказинглар».

Яъни, менинг билганим оз нарса, фақат биргина оят, деб ўтирманглар, ўшани бўлса ҳам одамларга етказинглар, демоқдалар.

2.«Бани Исроил ҳақида гапиринглар, танглик йўқ».

Бу-рухсат берилган доирада бўлиши кераклигини уламоларимиз таъкидлаганлар. Чунки бошқа ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аҳли китобларни тасдиқламанглар ҳам, ёлғончи қилманглар ҳам, Аллоҳ ва ўзимизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик денглар», деганлар.

Шунинг учун, уларнинг шариатимизга мувофиқ нарсаларни тасдиқлаймиз, шариатимизга номувофиқ нарсаларини ёлғон, деймиз.

3.«Ким менга қасддан ёлғон тўқиса дўзахдаги ўриндиғига жойлашаверсин».

Билиб туриб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаган нарсани У зотдан деб гапириш шунчалар ёмон нарса-ки, ким шу ишни қилса дўзахий бўлиши турган гап.

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Оз бўлса ҳам ўзи билган илмни ўзгаларга етказиш зарурлиги.
2. Бани Исроил ҳақида шариатимиз изн берган маънода гапириш жоизлиги.
3. Ким Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон тўқиса дўзахий бўлиши.

Ушбу ҳадиси шарифни ҳаётимизга татбиқ қилишга жуда муҳтожмиз. Оз бўлса ҳам билган нарсаларимизни ўз биродарларимизга ўргатишимиз зарур. Қанчадан-қанча кишилар калимаи шаҳодатни ўрганишга муҳтожлар.

Уларга бу нарсани билганлар ўргатмаса-ким ўргатади?

Қандан-қанча кишилар бир оят ҳам, Қуръондаги кичик сураларни ҳам билмайдилар. Уларга ҳам билганлар ўргатиши керак. Таҳорат, ғусл, намоз, жаноза ва бошқа кўплаб шаръий аҳкомларни билмайдиганларимиз кўп. Буларнинг ҳаммасини биладиганлар ўргатиши лозим. Баъзи нарсаларни билганлар ундан ҳам кўра кўпроқ нарсаларни билишлари керак. Уларга

ўзларидан кўпроқ биладиганлардан ўрганиш лозим бўлади ва ҳоказо.

«Бани Исроил» ва бошқа аҳли китоблар ҳақида ҳам билганлар билмаганларга гапириб, шариатимизнинг уларга бўлган муносабатларини тушунтириб беришлари лозим. Чунки, билимсизлик оқибатида улар билан нотўғри муносабат ва алоқалар вужудга келмоқда. Кишиларимиз адашиб, катта хатоларга йўл қўймоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон тўқилишини ҳам олдини олиш керак. Билиб-билмай турли гапларни ҳадис, деб гапириш катта гуноҳ. Бу иш ўз эгасининг дўзахга киришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳадиснинг ҳақиқий эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмасдан туриб ҳадис айтиш яхши эмас. Охири вақтда ана шундай одамлар кўпайгани маълум. Бундай бўлиши мумкин эмас.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир илмдан сўралса-ю, бас, у ўшани яширса, қиёмат куни Аллоҳ уни оловдан бўлган юган билан юганлайди», дедилар»**. Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадиси шарифларида илм яшириш уни тарқатмасликнинг оқибати нима бўлишини баён қилиш билан илмни тарқатишга тарғиб қилмоқдалар.

Ўтган ҳадислардан барча мўмин-мусулмонлар бир оят бўлса ҳам билган нарсаларини кишиларга етказиш учун ҳаракат қилишлари зарурлигини тушуниб олган эдик. Энди эса, ким илмни беркитса, уни кишиларга етказмаса, қиёмат куни алоҳида услуб билан азобланиши муқаррар эканини билиб олмоқдамиз. Ундай одамни Аллоҳ таоло оловдан бўлган юган билан юганлаш азобига дучор қилар экан. Бу дегани-жаҳаннамга солади ва унда яна алоҳида махсус азоб беради-деганидир.

Бу ҳам Исломнинг илм тарқатиш бўйича кўрган чора ва тадбирларидан биридир. Бошқа тузумларда илм ўз эгасининг мулки ҳисобланади. Олим одам нимани хоҳласа шуни қилади. Хоҳласа бировга ўргатади, хоҳламаса ўргатмайди. Исломда эса, илм-олимнинг эмас, балки ўша олим яшаётган жамиятнинг мулки ҳисобланади. Олим эса, уни ўзида омонат сақлаб турган ишончли одам ҳисобланади. Жамият қачон муҳтож бўлиб қолса, олим ўша омонатдаги илмдан бериши лозим. Бўлмаса хиёнат қилган бўлади. Бу дунёда қутилиб кетса ҳам, охиратда, албатта, жазосини олади.

Ўтган бобда олимларнинг фазли ва уларга берилган имтиёзлар ҳақида гап кетган эди. Энди эса, олимларнинг бурч ва масъулиятлари ҳақида сўз кетмоқда.

Бу ҳадисдан оладиган фойдамиз равшан кўриниб турибди. Уни ҳаётимизга

татбиқ қилишимиз керак. Илми бор кишилар ўзларидаги илмни беркитмасдан, сўраб келган, ўрганмоқчи бўлган кишиларга ўргатиши керак. Агар биров бу йўлда тўсиқ бўладиган бўлса, барча гуноҳ ўша илм тарқатишига тўсиқ бўлган томонга ўтади.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ мен орқали юборган ҳидоят ва илмнинг мисоли, худди ерга тушган кўп ёмғирга ўхшайди. Ернинг баъзи жойи яхши экан, сувни қабул қилиб, кўплаб наботот ва ўсимликларни ўстирибди. Унинг баъзи жойлари қаттиқ экан, сувни тутиб қолибди. Бас у билан Аллоҳ одамларга манфаат берибди. Улар ундан ичибдилар, суғорибдилар ва экин экибдилар. Ернинг баъзи жойларни силлиқ экан. Сув тутмас ва экин ҳам ўстирмас экан. Ана ўша худди Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлган кишига ўхшайди. Аллоҳ мен ила юборган нарса унга манфаат берибди. Бас ўзи ўрганибди. Ўзгаларга ўргатибди. Бошқаси ўша нарсага эътибор бермаган шахсга ўхшайди. Яна бири эса, мен ила юборилган Аллоҳнинг ҳидоятини қабул қилмаган шахсга ўхшайди», дедилар».** Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари орқали Аллоҳ таоло томонидан юборилган Ислом шариати, Исломий илмларни сувга, одамларни эса ерга ўхшатмоқдалар. Бунда жуда ҳам улкан маъно бордир. Чунки ҳам сув, ҳам илм-ҳаёт ҳисобланади. Сув билан ер юзидаги наботот ва жониворлар тирикдир. Исломий илм билан эса, қалб ва руҳлар тирикдир. Ёмғир суви ерга тасир қилса, ҳидоят ва илм кишиларга тасир ўтказди. Худди ер сувга нисбатан учга бўлингандек, одамлар ҳам Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали юборган ҳидоят ва илмга нисбатан уч тоифага бўлинишлари баён қилинмоқда.

«Аллоҳ мен орқали юборган ҳидоят ва илмнинг мисоли, худди ерга тушган кўп ёмғирга ўхшайди».

Ерга тушган кўп ёмғирнинг вазифаси ерни жонлантириш, унда ўсимликларни ўстириб, жониворларга фойда бериш. Худди шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали юборилган ҳидоят ва илмдан мақсад ҳам кишиларнинг руҳий-маънавий ташналикларини қондириши, улар ҳаётини фойдали қилиш, икки дунё бахт-соадатига эриштиришдир.

Лекин ер турлича бўлгани сабабли унинг бўлаклари ҳам ёмғирга нисбатан ўз табиатига мувофиқ бошқа-бошқа ҳолатда бўлади. Ундан фойда олиши ҳам ҳар хил кўринишдадир.

1.«Ернинг баъзи жойи яхши экан, сувни қабул қилиб, кўплаб наботот ва ўсимликларни ўстирибди».

Яхши ерларга ёмғир суви яхши сингади. Ўша ерларнинг ўзи аввало ўша сувдан маза қилиб, тўйиб-тўйиб ичади. Қолаверса наботот ва ўсимликларни ҳам ўстиради. Яъни, ўзидан бошқаларга ҳам фойда беради.

«Ана ўша худди Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлган кишига ўхшайди. Аллоҳ мен ила юборган нарса унга манфаат берибди. Бас ўзи ўрганибди. Ўзгаларга ўргатибди».

Яъни, ўша сувни қабул қилиб олиб, кўплаб наботот ва ўсимликларни ўстирган ер худди Аллоҳнинг дини-Исломда фақиҳ бўлган кишига ўхшайди. Яхши ер сувдан тўйиб-тўйиб ичгандек, фақиҳ ҳам аввало илоҳий ҳидоят ва исломий илмдан ўзи ўрганиб, манфаат олади. Кейин эса, худди яхши ер сув ичганидан кейин кўплаб наботот ва ўсимликларни ўстирганидек, фақиҳ ҳам ўзи ўрганган ҳидоят ва исломий илмларни бошқа кишиларга ўргатади.

2.«Унинг баъзи жойлари қаттиқ экан, сувни тутиб қолибди. Бас у билан Аллоҳ одамларга манфаат берибди. Улар унданичибдилар, суғорибдилар ва экин экибдилар».

Яъни, ернинг баъзи жойлари қаттиқ экан. Сувни ўзига сингдириб, ундан ичиб, манфаат олмабди. Лекин ўзига тушган сувни тутиб сиртида ушлаб турибди. Унда тўпланиб қолган сувдан одамлар фойда олибдилар. Ўзлари ичибдилар, ҳайвонларини суғорибдилар ва экинзорларига ишлатибдилар. Ана ўшандай ер, яъни яхши ердан:

«Бошқаси ўша нарсага эътибор бермаган шахсга ўхшайди».

Яъни, сувни қабул қилмай ўзида тутиб турган ер, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ила юборган нарсага-ҳидоят ва илмга-эътибор бермаган шахсга ўхшайди. Булар илмига амал қилмаган кишилардир. Улар худди қаттиқ ер сувни тутиб қолгандек, илмни тутиб қоладилар. Аммо ўша қаттиқ ер ўзи тутиб турган сувдан ўзи фойдаланмаганидек, булар ҳам ўзи ўрганган ҳидоят ва илмдан ўзлари фойда олмайдилар. Лекин сувни тутиб турган ердан ундаги сувни ичган, ҳайвонларини суғорган ва экинига ишлатганлар фойда олганидек, илмига амал қилмаган одамдан, ундан илм ўрганиб, амал қилганлар фойда оладилар.

3.«Ернинг баъзи жойларни силлиқ экан. Сув тутмас ва экин ҳам ўстирмас экан».

Ўзига тушган ёмғирдан ўзи ҳам фойда олмас, ўзгаларга ҳам фойда бермас экан. Бу:

«Яна бири эса, мен ила юборилган Аллоҳнинг ҳидоятини қабул қилмаган

шахсга ўхшайди».

Яъни, Ислом ҳидояти ва илмини қабул қилмаган кофирга ўхшайди. Ўзи ҳам фойда олмайди, ўзгага ҳам фойда бермайди.

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Баъзи маъноларни англатиш учун ҳаётини воқеъликдан мисол келтиришнинг яхшилиги.
2. Кишилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ томонидан юборилган ҳидоят ва илмга нисбатан худди ернинг турли бўлаклари ўзига тушган ёмғир сувини қабул қилишга турлича муносабатда бўлганидек ҳар хил бўлишлари.
3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган ҳидоят ва илмдан кўпроқ олиб, бошқаларга ҳам етказишга тарғиб.
4. Билган илмга амал қилмасликдан қайтариш.
5. Ҳидоят ва илмдан бебахра қолишдан қайтариш.

Ҳаётимизда бу ҳадиси шарифга оғишмай амал қилишимиз лозим. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ томонидан берилган ҳидоят ва илмдан кўпроқ олишга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Ўзимиз қабул қилиб олган ҳидоят ва илмни бошқаларга етказишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Шу билан бирга ўзимиз қабул қилиб олган ҳидоятда собитқадам бўлиб, ўрганган илмимизга амал қилмоғимиз керак. Зинҳор ва зинҳор Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган ҳидоят ва илмни қабул қилмайдиганлардан бўлиб қолмайлик! Ана шунда икки дунёнинг бахту-саодатига, иншааллоҳ эришамиз!

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг иршодинг ила бир кишини ҳидоят қилмоғи сен учун қизил неъматлардан кўра яхшироқдир»**»-дедилар. Учовлари ривоят қилишган. Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийлари Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Саҳоба Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу ансорийлардан, Ҳазраж қабиласидан эдилар. Бу кишининг аввалги исмлари Ҳузн эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саҳл деб алмаштирдилар.

Саҳл ибн Саъд ҳаммаси бўлиб 188та ҳадис ривоят қилганлар. Бу зотдан Абу Ҳурайра, Саъд ибн Мусаййиб аз-Зухрий, Абу Ҳозим, ўғиллари Аббос ибн Саҳллар ривоят қилишди.

Бу зот ҳижратнинг 91 санасидаа 100 ёшларида Мадинада вафот этдилар. Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларга дин аҳкомларини ўргатиш, уларни ҳидоятга бошлаш нақадар савобли ва улуғ иш эканини баён қилмоқдалар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга у кишини Хайбарга юбораётиб айтганлар.

Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай нарсага қасам ичавермайдилар. Аммо, бу ҳадисда кўтарилаётган масала ўта муҳим бўлгани учун уни, «Аллоҳга қасамки», деб бошлаганлар.

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг иршодинг ила бир кишини ҳидоят қилмоғи сен учун қизил неъматлардан кўра яхшироқдир».

Арабларда ўша пайтда энг гўзал ва мўтаъбар мулк-етилиб қизқиш тусга кирган туя ҳисобланар экан. Ҳадисдаги «қизил неъматлар»дан мурод ана шу туялардир. Бу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Алига, «Эй Али сенинг энг яхши мулк бўлмиш қизил туяларни садақа қилганингдан кўра бир одамнинг ҳидоят йўлига тушиб олишига сабаб бўлганинг яхшироқдир», демоқдалар.

Кишиларни ҳидоятга бошлаш, уларга илм ўргатиш Ислом динида энг улуғ ишлардан бири эканлигини «Китоби илм»нинг аввалидан билиб келмоқдамиз. Бу ҳадиси шарифда бир инсонга илм ўргатиб, билмаган нарсасини билдириб, хатосини тўғрилаб, уни тўғри йўлга иршод қилиб қўйиш қанчалар савобли иш эканини билиб олмоқдамиз.

Ушбу ҳадиси шарифдан оладиган фойдамиз-Аллоҳнинг дини бўлмиш Исломга ҳамда унга амал қилишга одамларни даъват қилиш учун барча куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарурлигидир.

Ҳозирги ҳаётимизда бу ҳадисга амал қилишга жуда ҳам муҳтожмиз. Чунки, ҳозирда Исломдан анча узоқлашиб кетганмиз. Дунёдаги қанчадан-қанча одамларга Ислом ҳидоятини етказиш керак. Чунки, ўша мусулмонман, деб юрганларнинг ўзларига ҳам ҳали ҳидоят топмаганларга ҳам Ислом ҳидоятини етказиш зарурати бор.

Исломдан беҳабар бўлиб юрган бир кишини иршод қилиб Исломга киритиш қанчалик улуғ савоб. Мусулмонман, деб калимаи шаҳодатни айта олмай юрган одамга калимаи шаҳодатни ўргатиб, ҳидоятга иршод қилиш қанчалик савоб. Намоз ўқимай юрган, бетавфиқ одамни иршод қилиб, намоз ўқийдиган бўлиб қолишга сабаб бўлиш улкан савоб динимизнинг бошқа кўрсатмаларига амал қилмай юрган бир кишини тўғри йўлга тушиб олишига сабаб бўлиш ҳар қандай хайри садақадан кўра афзал. Ароқ ичиб, зино қилиб, ўғрилик, қаллоблик, ёлғон, ифво, бўҳтон, зулм билан мушфул бўлиб юрганларни бу ёмонликлардан қайтаришга сабаб бўлиш қанчалик

улуғ савоб.

Бу бир кишининг Аллоҳ ҳидоят қилишига сабаб бўлиш учун ваъда қилинаётган нарсалар. Бир киши эмас, ўн, юз, минг ва ундан кўп кишиларнинг ҳидоят топишига сабаб бўлишнинг савоби қанчалик катта эканини ўзимиз билиб олсак бўлаверади.

Шунинг учун ҳам ушбу ҳадис ва унинг руҳини яхши тушунган, унга амал қилган аввалги мусулмонларнинг ҳар бирлари Ислом даъватчиси бўлганлар. Мусулмон шахс даъватчи бўлиши учун салла-чопон кийиб, «мулла» деган ном олган бўлиши шарт эмас. Мусулмонларнинг ҳаммалари даъватчи бўлишлари керак. Баъзи вақтларда муллалардан кўра оддий мусулмонларнинг даъвати тасирлироқ чиқади. Мусулмон табиб, ўз тажрибаси асосида, тибдаги билган илоҳий мўъжизаларни далил қилиб, кишиларни Исломга чақирса қанчалар тасирли бўлади.

Шунингдек, бошқа соҳаларнинг одамлари ҳам ўз соҳаларини яхши ўзлаштириб ва динларини яхши ўрганиб, кишиларни Исломга, унга амал қилишга чақирмоқлари лозим. Ана ўшанда ўз бурчимизни адо этган бўламиз.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фақат икки нарсадан бошқада ҳасад йўқ. (Биринчиси) Аллоҳ бир одамга молу дунё берсаю, у ўшани тўғри йўлда сарф қилса, (иккинчиси) Аллоҳ бир одамга илм берсаю, у ўша илми ила ҳукм чиқарса ва таълим берса», дедилар».** Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровийлари Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишмиз.

«Ҳасад» аслида бошқага берилган неъматнинг заволини орзу қилишни англатади. Бу гуноҳ иш ҳисобланади. Гоҳида «ҳасад» сўзи «ҳавас қилиш» маъносида. Яъни, бошқа кишига берилган неъматни кўриб, уни ўзида ҳам бўлишини орзу қилиш маъносида ҳам ишлатилади. Бунга араблар «ғибта», дейдилар. Ушбу ҳадиси шарифда «ҳасад» сўзи ана ўша ғибта-ҳавас қилиш маъносида ишлатилган.

Демак, фақат икки нарсадагина бировга берилган неъматни кўриб туриб, ўзига ҳам ўшандай неъмат берилишини орзу қилиш мумкин.

«(Биринчиси) Аллоҳ бир одамга молу дунё берсю, у ўшани тўғри йўлда сарф қилса».

Яъни, «менга ҳам Аллоҳ шу одамга бергандай молу дунё ато қилганида, мен ҳам шу одамга ўхшаб уни яхшилик йўлида сарф қилар эдим», деб ҳавас қилса бўлади.

«(Иккинчиси) Аллоҳ бир одамга илм берсаю, у ўша илми ила ҳукм чиқарса ва таълим берса».

Ўша одамга ҳам бошқа мусулмонлар ҳавас қилса бўлади. Илм билан ҳукм чиқариш, ўша илм тақозо этган нарсага ўзи амал қилиш ва одамларга ҳам шунга чақиришдан иборатдир.

*Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Молу дунёни тўғри йўлда сарфлашга тарғиб.
2. Молу дунёси йўқ кишилар ҳам агар молу дунёси бўлса яхшилик йўлда сарфлашни орзу қилишга тарғиб.
3. Илмга амал қилиб, одамларни унга ўргатишга амр.
4. Бошқаларни ҳам илм олиш унга амал қилиб, бошқаларга ўргатишга тарғиб.

Ҳаётимизда бу ҳадисга амал қилишга ниҳоятда муҳтож эканимизни айтиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳозирги кунимизда молу дунёси борларимиз уни Аллоҳ таолонинг розилиги учун сарфламайдилар. Аксинча кўпроқ Аллоҳ таолонинг ғазабини чиқарадиган ишларга ишлатадилар. Энди мулкдор, бадавлат кишиларимиз бу ишларни ташлашлари, Аллоҳ уларга берган молу дунёни Аллоҳ таоло рози бўладиган, хайри эҳсон, савоб ишларга сарфлашлари керак.

Ҳозирги кунимизда молу дунёси йўқларимиз мулкдорларга ёмон маънодаги ҳасад кўзи билан қараймиз. «Нима учун менда йўқ молу дунё унда бўлиши керак?», деган ҳиқду ҳасад билан куйиб-ёнамиз. Фақат қалбда ҳасрат-ҳасад ўтида ёнибгина қолмай, ўша биродаримизнинг молу дунёси ундан завол бўлиши учун қўлимиздан келган ҳамма ёмонлигимизни қилишга уринамиз.

Аслида эса бадавлат одамга ҳасад эмас, ҳавас қилишимиз керак. «Кўз тегмасин фалончига, Аллоҳ таоло молу дунё неъматини керагича берибди, ўзига буюрсин! Аллоҳ таоло бизга ҳам унга бергандай молу-дунё ато этса биз ҳам яхши, ҳалол-пок, савоб йўлларда сарф қилишимизни ҳам насб этсин», дейдиган бўлишимиз керак.

Ҳозирги кунимизда илмлиларимиз жуда ҳам кам. Илми борлар ичида эса, илмига амал қиладиганлари ундан ҳам кам. Илмсизларимиз эса жуда ҳам кўп. Илмлиларга ҳасад қилиб, уларга душманлик қиладиганларимиз эса бундан ҳам етарли.

Бу ҳолда ҳеч қачон яхшиликка эриша олмаймиз. Агар унга эришмоқчи бўлсак, худди ушбу ҳадисдаа иршод қилинганидек ҳаммамиз илмга уриниб, олим бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Аллоҳ илм берганлар

Ўзига берилган илмга амал қилишлари, бошқаларга таълим беришлари ва ўша илмга амал қилишни уларга ҳам тайинлашлари керак. Илми йўқларимиз эса илмчиларга ҳавас ва эҳтиром назари билан қараб, «Аллоҳ бизга ҳам илм берса, унга амал қилиб, бошқаларга ўргатсак эди», дейишлари зарур.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биздан бир нарсани эшитиб, уни худди эшитганидек қилиб етказган одамни Аллоҳ ёрлақасин, бас баъзи етказилган одам эшитувчидан кўра англовчиروқдир», дедилар»**. Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадисни ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан эшитилган илмни худди эшитгандек қилиб бошқаларга етказишга тарғиб қилмоқдалар ва ортида анашу етказиш туфайли келадиган фойдалардан бирини эслатиб қўймоқдалар. Эшитганлар қандай эшитса шундай қилиб етказиб қўйсалар, ўша етказилган одамлар ичидан ўша нарсани бевосита эшитган одамдан ҳам кўра кўпроқ, чуқурроқ англаб етадиган шахслар етишиб чиқишини башорат қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қандоқ эшитсалар шундоқ ривоят қилганлар. Ривоятда бирор нарсани ўзгартмаганлар. Агар баъзи бир изоҳ учун айтилган қўшимча сўз ёки ҳаракатлар бўлса, уларни алоҳида айтиб, қўшимча эканлигини билдириб қўйганлар. Баъзи бир сўзларни аниқ эшита олмаган бўлсалар уни ҳам таъкидлаб қўйганлар. Бу руҳ саҳобалардан кейинги тобеъинлар авлодига ҳам ўтган. Шундоқ қилиб бу авлоддан-авлодга ўтиб, китобларга битилиб бизгача етиб келган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан бир нарсани эшитиб худди эшитгандек қилиб бошқаларга етказган одамни «Аллоҳ ёрлақласин! деб дуо қилмоқдалар. Яъни, Аллоҳ уни юзини ёруғ, кўринишини гўзал қилсин, демоқдалар. Бу икки дунёга ҳам тешгишлидир. Мусулмонларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини оғизларидан чиққан ҳолида авлоддан-авлодга етказиб келаётганларига шу ва шунга ўхшаш бошқа тарғиботлар сабабдир.

Пайғамбаримиздан эштиган нарсани худди эшитгандек қилиб етказиш ўта аҳамиятлидир. Чунки, Пайғамбаримиздан эшитиладиган нарса Қуръон оятлари ёки ҳадис бўлади.

Қуръоннинг бир ҳарфини, нуқтасини ўзгартириш улкан гуноҳ эканлиги

ҳаммага маълум. Чунки, у илоҳий дастур, унинг лафзи ҳам-мўъжизадир. Агар Қуръонни бир нуқтаси бузилса. Илоҳий дастур бузилади, ундан чиқариладиган ҳукм ўзгаради, унинг мўъжизалигига путур етади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитиладиган иккинчи нарса эса ҳадисдир. Ҳадис-Ислом шариатининг Қуръондан кейинги иккинчи масдаридир. Қуръон Аллоҳнинг каломи бўлса, ҳадис-маъноси Аллоҳники, лафзи Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламники бўлган каломдир. Худди Қуръони Карим сингари ҳадиси шарифдан ҳам шаръий ҳукмлар чиқарилади. Агар ҳадиснинг бирор ҳарфи ўзгариб қолса, мазкур нарсаларга путур етиши турган гап.

Иккинчидан ҳадислардан жуда кенг маънолар, баъзи бир ҳолларда эса кейинчалик тўла кашф этиладиган маънолар ҳам бўлади. Агар ҳадис эшитилгандек ривоят қилинмаса, эшитувчи шахс ўзи тушунган маънони ривоят қилса ушбу нарсага ҳам путур етади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Баъзи етказиладиган одам эшитувчидан кўра англовчиروқдир»-деганларининг ҳикмати ҳам шунда!

Бир ҳадисни эшитган саҳобий уни ўз замони ва шароитига биноан тушунса, кейин етказилган одам ўз замони ва шароити, юз берган ўзгаришлар, илмий кашфиётлар асосида бошқача, кенгроқ тушуниши мумкин.

Айниқса ҳозирги кунимизга келиб бу нарса жуда ҳам равшан кўзга кўринмоқда. Илмий текшириш ва кашфиётлар ҳадиси шарифлардаги сир-асрорларни, мўъжизаларни ўрганиш бўйича алоҳида ташкилотлар ҳам тузилган.

Шу билан бирга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ўша вақтдаги, ўша шароитда, ўша жамиятда бўлмаган нарсалар ҳам, келжакда бўладиган нарсалар ҳам, бошқа жойларда бўладиган нарсалар ҳам келган. Бу ҳам ҳадисларни қандоқ эшитилган бўлса шундоқлигича ривоят қилишни тақозо қилади.

Аввал ўтган ҳадисларнинг бири шарҳида айтилганидек, уламоларимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Баъзи етказилган одам етказувчидан кўра англовчируқдир», деганлари кейинги авлод мусулмонлари ичидан оз бўлса ҳам ўта яхши фикрловчи, англовчи кишилар чиқишига ишорадир, деганлар.

Хулоса қилиб айтганимизда, бу ҳадисда икки нарсага алоҳида эътибор берилмоқда:

1. Ўзи билган илмни ўзгаларга етказиш зарурлиги.
2. Бировдан эшитган нарсани, эшитганидек қилиб етказиш.

Биз ўз ҳаётимизда ушбу икки нарсага жуда ҳам муҳтожмиз. Илмни бошқаларга етказишга бўлган эҳтиёжimiz ҳақида кўп гапирдик. Бировдан эшитган нарсани бузмасдан худди ўзидек қилиб бошқаларга етказиш ҳам жуда аҳамиятлидир. Чунки, бировдан эшитган нарсани ўзидек қилиб етказмаслик омонатга хиёнатдир, ёлғончилик ва бўҳтондир. Бу иш кўплаб тушунмовчиликларга, уруш-жанжлларга сабаб бўлади. Айниқса шриатга тегишли нарсада ҳалолни ҳаромга, ҳаромни ҳалолга, савобни гуноҳга, гуноҳни савобга аралаштириб юбориш мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳар бир эшитган гапни бошқаларга етказётганда ўта хушёр бўлиш керак. Бир сўзни ҳам, ҳатто оҳангни ҳам бузмасдан нақл қилиш талаб этилади.

«Бошқа бир ривоятда: **«Биздан бир ҳадисни эшитиб, уни ёдлаб олиб етказган одамни Аллоҳ ёрлақласин. Бас баъзи фикҳни олиб юрувчи ўзидан кўра фақиҳроққа (етказди) ва баъзи фикҳни олиб юрувчи фақиҳ эмасдир»**, деганлар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиснинг маъноси бошқача лафзлар билан ҳам ривоят қилинган экан. Аввалги ривоятда

«Биздан бир нарсани эшитиб», дейилган бўлса, бу ривоятда,

«Биздан бир ҳадисни эшитиб», деб эшитилган нарса ҳадис экани очиқ-ойдин айтилган экан.

Аввалги ривоятда:

«Баъзи етказилган одам эшитувчидан кўра англовчироқдир», дейилган бўлса, бу ривоятда:

«Баъзи фикҳни олиб юрувчи ўзидан кўра фақиҳроққа (етказди)», дейилмоқда.

Демак, фикҳни-ҳадисни олиб юрувчи бор экан, ундан кўра фақиҳроқ-ҳадиснинг маъноларини дақиқ жойларигача тушунувчи бор. Ҳадисни эшитиб, уни ёдлаб олган одам уни олиб юрувчи шахс бўлар экан. Унинг маъносини дақиқ жойларгача тушунувчи эса фақиҳ бўлар экан.

Ҳадисни ёдлаб олиб юрган одам унинг маъносини, ундан ҳукм чиқаришни билмаса ҳам, илмни кўтариб юрувчи шахс ҳисобланиб, ундан ўша ёдлаб олган ҳадиси олинаверади. У одам қилган хизматига яраша савобни олаверади.

Лекин ундан қабул қилиб олган одам илмни бўлиб ҳадисдан фикҳий ҳукмларни чиқарувчи фақиҳ бўлиши мумкин. Ҳадис тарихига кўз ташласак. Бу ҳикмат очиқ-ойдин кўринади.

Абу Масъуд ал-Бадрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, уловсиз қолганини айтиб, улов сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу**

**алайҳи васаллам: «Фалончининг олдига бор», дедилар. Бас унинг олдига борди ва у улов берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга ажр берилади», дедилар».** Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шариф Абу Масъуд ал-Бадрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. Аввал у киши билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Маъуд куняси билан машҳур бу саҳобани исмлари Уқба ибн Амр ал-Бадрийдир. Мадинадан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилиш учун келган, иккинчи «Ақаб» байъатида иштирок этган, Бадр, Уҳуд ва бошқа ғазотларда қатнашган улуғ саҳобалардан эдилар. Бу зот Али розияллоҳу анҳунинг энг яқин кишиларидан эдилар. Али розияллоҳу анҳу «Сиффин» жангига кетаётганларида, бу кишини Куфага амир қилиб кетадилар.

Абу Масъуд ал-Бадрий ҳаммаси бўлиб, 102та ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан Абдуллоҳ ибн Язид, Абу Воил, Алқама, Масруқ ва бошқалар ривоят қилишди. Бу зот ҳижратнинг 40 санасида Куфада вафот этдилар.

Муаллиф раҳматуллоҳи алайҳининг ушбу ҳадисни илмни етказиш вожиблиги ва унинг фазли ҳақидаги бобда келтиришлари кишиларга илмни етказиш яхшиликка далолат қилиш эканлигидандир. Яъни, бир одам бошқаларга илм ўргатса яхшиликка далолат қилган бўлади. Ундан илм ўрганган одамлар нима амал қилиб савоб олсалар, ўргатган устоз ҳам улар олган савоб миқдоридан савоб олади.

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, уловсиз қолганини айтиб, улов сўради».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларида унга берилдиган улов йўқ экан, фалончининг олдига боргин, сенга улов берса ажаб эрмас, деган маънода гап қилдилар. Ҳалиги улов сўраган одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр қилган одамга борган эди, у улов берди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга ажр берилади», дедилар.

Бу ерда яхшиликка далолат қилувчи-Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, яхшиликни қилувчи-улов берган одам. Улов берган одам қанчалик ажрга эга бўлса, уни бу яхшиликка далолат қилган зот, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам шунча ажр берилади.

Эҳтимол, бизда яхшиликка далолат қилиш яхши иш, деган тушунча бордир. Аммо, ушбу ҳадиси шарифда баён қилинган руҳ йўқ. Агар бу ҳадисдаги руҳдан бир оз бўлганда эди, ичимизда яхшиликка далолат қилмайдиган одам бўлмас эди.

Исломнинг яхшилик тарафдори эканини қаранг. Ният бобида яхшиликни ният қилган одамга уни қилмасидан олдиноқ савоб ёзилиши айтилган эди.

Бу ерда эса яхшилиқни қилмаса ҳам, уни қилишни ният қилмаса ҳам, фақат бошқа шахсни яхшиликка далолат қилгани учун худди ўша яхшилиқни қилувчидек своб олиши таъкидланмоқда.

Бу эса сиз билан бизнинг доимо яхшиликка даъват қилувчилардан бўлишимизни тақозо қилади. Динсиз-диёнатсиз, иймонсиз юрган одамга калимаи шаҳодатни ўргатиб, уни иймон-исломга далолат қилган одам қанчалар савобга эга бўлади! Бир одам мўмин-мусулмон бўлиб қанчалик савобга эга бўлса, шунчалик савобга эга бўлади! Бетавфиқ бўлиб, намоз ўқимай юрган одамни, намозга далолат қилган одам, ўша одам умр бўйи намоз ўқиб қанча савоб олса, шунча савобга эга бўлади. Бошқа ибодат ва яхшилиқ ишларга далолат қилишни ҳам шунга қиёс қилавериш мумкин.

Шунинг учун илм ўрганиш, бошқларга илмини ўргатиш ўта савобли иш ҳисобланади. Бу хайрли иш орқали ҳеч ким эриша олмайдиган улкан савобларга эришиш мумкин.

Имом Байҳақий ва Абу Яълолар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга сахийлар сахийсини хабарини берайми? Сахийларнинг сахийси-Аллоҳдир. Мен-одам боласининг энг сахийсиман. Мендан кейин, сиздан энг сахийингиз, илм ўрганиб, илмини таратган одамдир. У қиёмат куни ёлғиз ўзи бир уммат бўлган ҳолида тирилтирилади. Ва жонини Аллоҳнинг йўлида сахийлик билан тутган кишидир», деганлар.

Бу ҳадисда уламолар сахийликда Аллоҳнинг йўлида жонини ҳам қизғанмаган шаҳидлардан ҳам сахийроқ қилиб васф этилмоқдалар.

Имом Ибн Можа Абу Зарр ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Зарр! Эрталаб туриб Аллоҳнинг китобидан бир оят ўрганмоғинг сен учун юз рақъат (нафл) наамоз ўқиганингдан яхшироқдир. Эрталаб туриб амал қилингану, қилинмаган илмдан бир боб ўқимоғинг сен учун минг рақъат (нафл) нмоз ўқиганингдан яхшироқдир», деганлар.

Шунчалик тарғиботдан кейин ҳам илмга қизиқмайдиган одам қолиши мумкинми?